

8. Вахитов К.И. Кооперация: теория, история и практика. М.: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К°", 2006. – 560 с.
9. Добрынин В.А. Кооперация в сельском хозяйстве. - М.: Уч.-изд. центр «Земля России», 1999. - 117 с.
10. Емельянов И.В. Сельскохозяйственная кооперация / И. Емельянов ; Харьковск. о-во сел. хозяйства. Ком. содействия сел. кооперации. - Харьков : [б. и.], 1918. - 53 с.
11. Кондратьев Н. Д. Мировое хозяйство и его конъюнктуры во время и после войны. — Вологда: Обл.отделение Гос.издательства, 1922.
12. Кузнецова Н.А. Развитие системы сельскохозяйственных потребительских кооперативов : Дис. ... д-ра экон. наук : 08.00.05 Саратов, 2005. - 467 с.
13. Мадалиев А. Кооперативы взаимопомощи – решение проблем. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Ташкент, 2007.- № 12. – С. 38.
14. Макаров Н.П. Новая кооперация в сельском хозяйстве и картофелекрахмальное производство / Н. Макаров. - Кострома : Костром. губ. земство, 1911. - [6], 84, 14, XIV с., 2 л. схем., карт.; 25. - (Сборник статистических сведений по Костромской губернии; Вып. 2).
15. Туган-Барановский М.Н. Социальные основы кооперации, Москва, 2006.
16. Ташматов Р.Х. Кооперация – фермер хўжаликлари ривожлантириш истиқболи йўналишларидан бири. // Экономика и класс собственников. – Ташкент, 2004. - №1. - Б. 48-50.
17. Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация. Учебное пособие.- 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К°", 2005. – 364 с.
18. Фигуровская Н.К, Козлова Е.Н. Кооперация, страницы истории, Москва 1994.
19. Хуррамов А. Фермер хўжаликларида кооперациянинг аҳамияти // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2004. - № 7-8. – Б. 4-6.
20. Чариев К.А. Совершенствование управления производством в условиях межхозяйственной кооперации: на примере межхозяйственных животноводческих предприятий УзССР: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.05. - Ташкент, 1980. - 164 с.
21. Чаянов А.В. Краткий курс кооперации. – М.: Центральное товарищество «Кооперативное издательство», 1925. – 79 с.
22. Шкляр М.Ф. Кредитная кооперация, учебное пособие, Москва 2007, с. 86.
23. Шмелев Г.И., Буздалов И.Н., Козырь М.И. и др. Межхозяйственная кооперация и агропромышленная интеграция в европейских социалистических странах. - М.: Колос, 1980. – 159 с.
24. Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. дис. автореф. ... иқт.фан.док. – Т.: ТДИУ. 2006.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

**Имомов Жамшидхон Одилевич -
Тошкент давлат иқтисодийёт университети, тадқиқотчи**

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, ички бозорда ўз мавқеини сақлаш ва хорижий мамлакатларда янги бозорларни ўзлаштириш ҳозирда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги илк маротаба ELECTRE усули орқали ELECTRE усулининг авфзаллиги эксперт баҳолаш усуллари орқали ноаниқ тўпламларни аниқ рақамларга келтириш имконини беришини эътиборга олган ҳолда таҳлил амалга оширилган. Олиб борилган тадқиқот натижасида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар танланиб, жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартни қўлланиш даражаси, имиджи, хавфсизлиги ва бошқалар омилларга эътибор бериш зарурияти кўрсатиб берилган ва Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш услубиёти тўғрисида баён этилган.

Калит сўзларлар Рақобатбардошлик; қишлоқ хўжалиги; халқаро стандартлар; хавфсизлик; ELECTRE; озиқ-овқат; қадоқлаш; дизайн.

Аннотация. Статья посвящена повышению конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции на мировом рынке, сохранению ее позиций на внутреннем рынке и освоению новых рынков в зарубежных странах. Также анализ проводился с учетом конкурентоспособности сельхозпродукции, особенно фруктов и овощей, на мировом рынке, впервые преимущество метода ELECTRE перед методом ELECTRE состоит в том, что он позволяет довести неопределенные упаковки до точных цифр с помощью методов экспертной оценки. В исследовании подчеркивается необходимость уделять внимание уровню применения международных стандартов, имиджу, безопасности и другим факторам в повышении конкурентоспособности продукции на мировом рынке, а также описывается методология оценки конкурентоспособности фруктов и овощей на мировом рынке.

Ключевые слова: Конкурентоспособность; сельское хозяйство; международные стандарты; безопасность; ELECTRE; еда; упаковка; дизайн.

Annotation. The article is devoted to increasing the competitiveness of agricultural products in the world market, maintaining its positions in the domestic market and developing new markets in foreign countries. Also, the analysis was carried out taking into account the competitiveness of agricultural products, especially fruits and vegetables, in the world market, for the first time the advantage of the ELECTRE method over the ELECTRE method is that it allows you to bring undefined packages to exact figures using expert assessment methods. The study emphasizes the need to pay attention to the level of application of international standards, image, safety and other factors in increasing the competitiveness of products in the world market, and also describes the methodology for assessing the competitiveness of fruits and vegetables in the world market.

Key words: Competitiveness; Agriculture; international standards; safety; ELECTRE; food; packaging; design.

Кириш. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, жумладан, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустақкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб, ушбу вазифани амалга оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат ички, балки жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашни талаб этади[1]. Маҳсулотларнинг рақобатбардошликни таъминлашда муҳим омиллардан бири бу сифат кўрсаткичи ҳисобланади[2]. Ҳозирда аксарият истеъмолчилар ва мамлакатимиздаги ёки хорижий ҳамкорлар учун нафақат маҳсулотларнинг сифати, балки уларни етиштиришдан тортиб истеъмолчига етказиб бериш жараёнлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнларни кафолатланган амалга оширилиши менежменти тизимларига (МТ) асосланган стандартлар орқали таъминланади.

Қўлланилган материаллар ва услублар. Тадқиқотда тизимли ёндашув билан бирга рақобатбардошликни баҳолашнинг умумилмий усуллари, қиёсий ва мантиқий таҳлил, статистик таҳлил, иқтисодий-математик, омилли таҳлил, SWOT таҳлил, сўров, танланма кузатув усуллари қўлланилган. Шунингдек, умумлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил-синтез ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Илмий адабиётлар шарҳи. Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича М.Портер, К.Фляйшер, Ф.Котлер, П.Друкер, Б.Карлоф, А.Стрикленд, А.Оуэн ва бошқалар илмий ишлари классик ишларга айланган бўлса, Р. Эрнст, Ж. Хаар ва бошқалар ўзларининг замонавий ёндашувларини беришган. [3];[4];[5];[6]

Хусусан М.Портер ва унинг издошлари томонидан илгари сурилган назарияга мувофиқ рақобатбардошлик икки омилга, биринчи омил – сифат, иккинчи омил – нархга таяниши кўрсатиб ўтилган. М.Портер томонидан рақобат стратегиясида рақобатбар-

дошлик детерминанти илгари сурилган бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида рақобатбардошликни белгилайди. Мамлакатлар, минтақалар ва кластерлардаги маҳсулдорликни қўллаб-қувватлайдиган рақобатбардошликнинг афзалликлари микроиқтисодий асосларига эътибор қаратади[4].

Р. Эрнст ва Ж. Хаар томонидан ХХІ асрда урта кучли симбиотик кучлар, яъни глобализация, рақобатбардошлик ва бошқариш бизнесни йўқ қилиш мумкинлигини кўрсатиб ўтган. Глобализация ва рақобатбардошлик асосан бозор кучлари томонидан тартибга солинади, улар глобаллашувнинг афзалликларидан, яъни анъанавий “кўринмас” қўл фойдаланиш учун самарадорликни оширишга қаратилган муҳим ўзгаришларни кучайтиради. Ушбу ўзгаришларни амалга ошириш учун нафақат хусусий сектор, балки ҳукумат маъсул эканлиги кўрсатиб берилган[6].

Бир гуруҳ олимлар рақобатбардошлик ва тармоқларнинг келажакдаги ривожланиши сифатни бошқариш тизими билан боғлиқлигини ҳам эътироф етишди.

Халқаро стандартларга мувофиқ сифатни таъминлаш масаласи ички бозорда маҳсулотлар, айниқса мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлигини сақлаш ва уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Сифат менежменти тизимлари, улардан қишлоқ хўжалиги тармоғида фойдаланишни такомиллаштириш масалалари кўллаб хорижлик олимларнинг, хусусан, И.Ансофф, Р.Кунц, А.Томпсон, А.Фейгенбаум, Дж.Х.Харрингтон, В.Шухарт, П.Самуэлсон, Ф.У.Тейлор, В. Е. Швец ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган[7];[8].

Рақобатли бозор шароитида сифат тўғрисидаги тасаввур бир жойда тўхтаб қолмай, бетиним ўзгаради дейди америкалик йирик мутахассис А.В. Фейгенбаум ҳамда Сифатни муҳандис ёки маркетинг эмас, балки истеъмолчининг қарори аниқлашини таъкидлайди.[7]

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги фаолиятининг келажакдаги ривожланиши бир қатор олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам ўз аксини топган.

О.М. ЖофFRE, Ж.Р. Де Вриес, Л. Клекхлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижасида кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан технология ва амалиётни жорий этишнинг кенг тарқалган усули бу хўжалик кластерилиги кўрсатиб берилган. Бунга фермерлар ва таъминот тармоғининг бошқа иштирокчилари ўртасида тармоқ ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш орқали эришилади. Фермерларнинг амалиётлари ва технологияларини қабул қилишда деҳқончилик кластерларининг ўрни тадқиқот этилиб, мослашишга олиб келадиган қарорларни тушуниш муҳимлиги, чунки улар ердан барқарор фойдаланишга асосий таъсир кўрсатиши таъкидланган. Фермер кластерлари ишончли оширади ва аъзолар ўртасидаги муносабатларни мустацкамлаши, мавжуд фермерлик тармоқларига (яъни кластерларга) таяниш барқарор технологияларни жорий этиш ва ердан фойдаланишни режалаштириш мақсадларига эришиш учун ишончли восита эканлигига кўрсатилган. [9]

Су Й., Хе С., Ванг К., Шахтаммасеби А.Р. ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрстадики, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги, ресурсларнинг чекланганлик ҳолати ва бир пайтнинг ўзида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш билан, ўсиб бораётган аҳолининг овқатланиш масалалари билан боғлиқ жиддий муаммога дуч келмоқда. Шундай қилиб, муаммоларни ҳал қилишнинг энг яхши усули сифатида интегратсиялашган қишлоқ хўжалиги таклиф этилган. Интегратсиялашган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор қишлоқ хўжалигининг истиқболли моделига айланди. Интегратсиялашган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг молиявий жозибдорлигини ошириш ва келажакда теримчи учун фойдали циклни тарғиб қилиш учун баъзи сиёсий рағбатлар таклиф қилинди. [10]

Д.Тилман қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарорлигини ўрганган [11], Э. Фонсека [12], К. Марзалл [13] и Котер Флар [14] эса фермер хўжаликларида қарорлар қабул қилишни тадқиқ этишган. Бошқа бир қатор олимлар С.Родригес [15], М.Л.Феррейра [16], Камиларис А. [17]лар қишлоқ хўжалигида

катта ҳажмдаги ахборотлар оқими билан ишлаш масаларини ўрганишган.

Бошқа бир гуруҳ олимлар М.С. Хуан [18], К.Э. Гиллер [19], А.Дж. Чен [20], Е.М. Де Олде [21], Н. Ван Каувенберг [22], М. Кропфф [23], Р. Шоу [24], Р. Никкиля [25], С. Фунтас [26], А.З. Аббаси [27], Б.А. Обер [28], ва бошқалар барқарор агроэкологизмга тизимли ёндошув ва фермер хўжаликлари учун ахборот таъминоти дастурини яратиш бўйича тадқиқот олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида сифатни бошқариш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш масалалари Г.Г.Азгальдов, В.А.Дедекаев, С.Т.Лапикус, В.С.Мхитраян, И.В.Калинина, В.С.Кухарь, Ю.М.Сапего, С.В.Карпова, В.В. Карпузов, М.М.Кане, Е.Н. Голубкова ва М.Э. Сейфуллаева каби олимлар тадқиқотларида ўрганилган. [29], [30], [31], [32], [33], [34], [35], [36], [37], [38], [39], [40].

С.В. Карпова ўзининг “Международный маркетинг” номли ўқув қўлланмасида. Рақобатбардошлик (competitiveness) тушунчасига аниқ бир бозор ва маълум бир сотиш вақти билан аниқ боғланган нисбий сифат деб таъриф берган. Шунингдек, бир бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулот бошқасида бу сифатга эга бўлиши шарт эмаслигини, рақобатбардошлик фақат харидор (истеъмолчи) учун аҳамиятли бўлган хусусиятлар билан белгиланишини таъкидлайди [36].

Е.Н. Голубкова ҳамда М.Э. Сейфуллаевлар ўзларининг “Международный маркетинг” номли ўқув-услубий қўлланмасида, Рақобатбардошликни баҳолашнинг асоси бозор шароитларини ўрганишдир. “Рақобатбардошлик”га – “аниқланган бозор талабларига ёки бошқа маҳсулотларнинг сифатларига нисбатан унинг истеъмол ва харажат сифатлари йиғиндисини ҳар томонлама баҳолашни ўз ичига олган маҳсулотнинг қиёсий характеристикаси” сифатида таъриф берилган. [40]

Ўзбекистонда маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва сифатни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг умумий муаммоларини ўрганиш бўйича маҳаллий олимларимиздан А.Ш.Бекмуродов, Н.К. Юлдашев, Н. Махмудов, З.Дж. Адилова, Т.М. Ахмедов, Ш.Ж.Эргашхўжаева, Б.Т. Салимов, М.У. Бадалова, У.А. Садуллаев, О.А. Сафаров ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар [41], [42], [43], [44].

Шу билан бирга, сифат менежмент тизими асосида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Ушбу ҳолат мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади, ҳамда тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Таҳлиллар ва тадқиқотлар. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини юқорилиги, мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида бош омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги юқори бўлмас экан бу нафақат мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнига балки, экспорт маҳсулотларининг камайиши ва импорт маҳсулотларнинг ўсиши аҳолининг ижтимоий ривожланишига, мамлакат валюта заҳирасининг пасайишига, шунингдек бандлик даражасининг ошишига катта таъсир қилади. Бундан ташқари экспорт маҳсулотларининг ҳилмаҳиллиги, унинг санокли маҳсулотлар тури билан чегаралиниб қолмаслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики бундай ҳоллар, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги муқаррар халокатини ифодалайди[3].

Халқаро эксперт ташкилотлари мониторинги натижаларига кўра жаҳонда бир қатор озиқ-овқат хом-ашёси ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари катта ҳавф туғдириши аниқланди. Жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиёти ривожланишининг ҳозирги босқичидаги ҳавфли маҳсулотларга ўсимликчилик, чорвачилик ва балиқчилик хом-ашё ва маҳсулотлари киритилган. Замонавий экология ва ҳаво, сув ҳавзалари ва ернинг ифлосланиши муаммолари микробиологик, физиологик, қишлоқ хўжалиги зараркундалари билан зарарланишларнинг кўпайишини, қишлоқ хўжалиги хом-ашёси ва унинг маҳсулоти касалланиши, ҳамда бошқа турдаги бузилишининг кўпайишини келиб чиқарди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун бир қатор пестицидлар ва бошқа ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар, ҳайвон ва қушларни ўстиришда доривор, гормонал, ўсишни тезлаштирувчи ва бошқа препаратлар кенг қўлланилмоқда. Қўлланилувчи кимё-

вий воситалар озиқ-овқат маҳсулотларига ўтади ва инсон организмида йиғилади, бу жаҳондаги одамларнинг турли касалликларининг шиддатли равишда кўпайишига сабаб бўлади.

Ушбу муаммо ташвиши жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларига таъсир қилди ва бирламчи глобал ишлаб чиқаришдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлигига боғлиқ рискларни камайтиришга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини белгилаб берди. Бу эса жаҳон бозорларида ўз ўрнига, нуфузига ва энг асосийси халқаро стандартга эга бўлган давлатлар (Хитой, Туркия, Украина ва Голландия) билан Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда маҳсулот сифати ва бозорга чиқиши бўйича таққослама таҳлилларини олиб бориш билан баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида тўғри ва самарали қарор қабул қилиш учун албатта, илмий асос лозим бўлиб, қарорлар мажмуасини кўплаб альтернативалардан иборатлигини назарда тутадиган бўлсак, ҳар бир альтернативанинг баҳосини бошқа альтернативага нисбатан нисбий олинади. Тадқиқотда бундай мураккаб жараён учун ELECTRE усули (Elicitation Et Choix Traduisant la Realite- истисно ва танлов, ҳақиқатни акс эттирувчи)дан фойдаланиб, давлатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бўйича рақобатбардошлигини баҳолаймиз.

Ушбу усул ҳар бир альтернативанинг сифат кўрсаткичи сифатида ҳисобламасдан балки, фақат битта альтернативанинг бошқасидан устунлиги шарти белгиланади. Усул билан қарор қабул қилиш учун биринчи навбатда Хитой, Туркия, Украина ва Голландия давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси танлаб олинди. Бунда шартли равишда: А – Хитой, В – Туркия, С – Украина, D – Голландия ва Е – Ўзбекистон Республикаси деб белгилаш киритиб оламиз.

Муаммонинг баёни одатда қуйидаги танланган иқтисодий кўрсаткичларни 10 та мезонлар асосида рейтинг шкаласи билан баҳолаб оламиз, ушбу мезонларнинг бутун сонлар орқали вазни аниқланади (1-жадвал).

Давлатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини экспертларнинг
20 баллик шкала бўйича баҳоси

Кўрсаткичлар	Давлатларнинг баҳоланиши (баллда)					Пара- метрлар вазни
	Хитой А	Туркия В	Украина С	Голландия D	Ўзбекистон Е	
Бозордаги тажрибаси	19	18	18	18	17	13
Бозордаги улуши	18	17	17	19	10	18
Давлат имиджи	19	19	20	20	14	7
Маҳсулотлар табиийлиги	15	18	17	16	18	20
Маҳсулот ассортименти	20	12	17	18	17	20
Маҳсулот нархи	18	20	20	20	14	16
Қадоқлаш дизайни	20	20	19	20	12	10
Маҳсулот яроқчилиги муддати	19	18	16	16	15	15
Халқаро бошқарувнинг амалий тажрибаси	19	20	20	20	10	12
Халқаро стандартни қўлланилиш даражаси	20	20	20	20	10	19
Σ	187	182	184	187	137	150

Ушбу аниқланган қийматлар асосида қўйилган мақсадга энг яхши альтернативаларни танлаш, давлатларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ҳисобланади. N ҳар бир мезон танланган кўрсаткич аҳамиятини тавсифловчи n бутун сон билан боғлиқ бўлиб, A альтернатив B альтернативадан устун эканлиги ҳақидаги тахмин кўриб чиқилади бунда N мезонларидан иборат I тўплам учта пастки қисмга бўлинади. Жумладан:

$I^+(x,y)$, A мезони B дан афзал бўлган мезонлар тўплами у: $x > y$;

$I^-(x,y)$ A дан ошадиган B мезонлар тўплами $x: y > x$;

$I^=(x,y)$ A ва B мезон қийматлари бир хил бўлган мезонлар тўплами $u=x$.

1-босқич. Танланган давлатларининг берилган параметр кўрсаткичлари ёрдамида иккита альтернативанинг баҳоси орқали иккита индекснинг: мувофиқлик ва номувофиқлик қийматлари ҳисобланади. Ушбу индекслар A альтернатив B альтернативасидан устун эканлиги ҳақидаги фарз билан мувофиқлик ва номувофиқликни ҳар бир фермер хўжаликларининг мос кўрсаткич қийматларини (агар $A-B > 0$ бўлса, "+"; агар $A-B < 0$ бўлса, "-"; "=") ҳисоблаш асосида аниқланади.

2-босқич. Ҳар бир альтернативанинг жуфтлик учун ҳисобланган индекслари таққосланадиган мувофиқлик ва номувофиқлик даражасини белгилайди. Агар мувофиқлик индекси белгиланган даражадан юқори бўлиб ва номувофиқлик индекси паст бўлса, у ҳолда альтернативалардан бири иккинчисидан устунлиги асосланади. Акс ҳолда, муқобилларни таққослаб бўлмайди. Бу ҳисоб китоблар қуйидаги (1)-формула асосида аниқланади.

$$d_{AB} = \max_{i \in I^-} \left| \frac{i_B - i_A}{L_i} \right| \quad (1)$$

Ҳисоб-китоб натижалари ва жадвал қийматларидан кўринадик, давлатлар конфигурацияларининг $\sum d_{AB} \leq 1$ шартига асосан энг устувор фермер хўжалиги D-Голландия бўлиб, $\sum d_D = 0,4 \leq 1$ га тенглиги ва кейинги ўринда A-Хитой давлати $\sum d_A = 0,5 \leq 1$, C-Украина $\sum d_C = 0,55 \leq 1$ ва B-Туркия $\sum d_B = 1,2 \leq 1$ ҳамда E-Ўзбекистон Республикаси конфигурациясида $\sum d_E = 2 \leq 1$ шарт ўринли бўлмаганлиги боис ушбу давлатлар танланган Голландия. Хитой ва Украина давлатлари билан рақобатлаша олмаслиги аниқланди.

3-босқич. Доминантлар альтернативлар тўпламидан чиқарилади. Қолганлари биринчи асосий тўплам(ядро)ни ҳосил қилади. Ядрога киритилган альтернативалар эквивалент ёки таққосланмайдиган бўлиши мумкин. ELECTRE I усулида мувофиқлик индекси A мезондан B мезон устунлиги ҳақидаги фарз билан тузилади. Шунингдек, усулда устунлиқнинг иккилик нисбати мувофиқлик ва номувофиқлик даражаларига қараб белгиланади. Агар мувофиқлик ва номувофиқликнинг ушбу даражалари қаерда бўлса, альтернатив B билан солиштирганда A альтернативаси яхшироқ деб эълон қилинади. Агар ушбу даражаларда альтернативалар муваффақиятсиз бўлса, улар таққосланмайдиган деб эълон қилинади. Ушбу мувофиқлик матрицаси:

$$C_{AB} = \frac{\sum_{i \in I^+, J} w_i}{\sum_{i=1}^N w_i} \quad (2)$$

Методологик нуқтаи назардан, таққосланмаслик тушунчасини киритиш қарорлар назариясини ривожлантиришда муҳим босқич ҳисобланади. Агар альтернативаларнинг баҳолари асосан бир-бирига зид бўлса (битта мезонга кўра, бири бошқасидан анча яхши, иккинчисига кўра, аксинча), унда бундай қарама-қаршиликлар ҳеч қандай тарзда қопланмайди ва бундай альтернативаларни таққослаб бўлмайди Жадвал маълумотларига кўра, А ва D давлатлар рақобатбардошлигини таққослаш мумкин ва кейинги босқичга ўтилади.

4-босқич. Мувофиқлик ва номувофиқлик даражаларининг "заифроқ" қийматлари (мувофиқликнинг паст даражаси ва юқори даражадаги номувофиқликлар) киритилиб, улардан камроқ альтернативали ядролар ажратилади. Ушбу даражаларни белгилаб, мувофиқлик коэффицентининг талаб қилинадиган даражасини аста-секин тушириб, номувофиқлик коэффицентининг зарур даражасини ошириб, улар мавжуд бўлган кўп-лаб альтернативаларни ўрганадилар.

Шу билан бир қаторда альтернативалар таққосланадиган мувофиқлик ва номувофиқлик коэффицентлари қарор қабул қилувчи ва маслаҳатчи қўлида таҳлил воситаси эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Шунинг учун номувофиқлик коэффицентининг зарур даражасини ошириш асносида таққослаш мумкин бўлган давлатларни ажратиб олиш мумкин бўлади яъни, В, С, Е давлатлар устунда юқори даражадаги номувофиқликлар (мос равишда 131; 150; 6,5) мавжудлиги уларни таққослаш шарт эмаслигини келтириб чиқаради.

5-босқич. Охирги ядро энг яхши альтернативаларни ўз ичига олади. Ядролар кетма-кетлиги сифатдаги альтернативаларнинг тартибини белгилайди. Берилган даражалар учун альтернативалар тўплами ному-

таносиблик ёки эквивалентлик жиҳатидан доминант бўлмаган элементларнинг ядросини ажратиб туради. Даражалар ўзгарганда, маълум ядродан кичикроқ ядро ажратилади ва ҳоказо. Таҳлилчи қарор қабул қилувчига турли хил ядролар шаклида муаммонинг ечимини таклиф этади. Охир-оқибат, сиз яхшироқ бирини танлашингиз мумкин. Шу билан бирга, мувофиқлик ва номувофиқлик кўрсаткичлари якуний хулоса чиқарилган маълумотларга нисбатан "устуворлик" даражасини тавсифлайди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда сертификатлаш тизимидаги ягона тамоилларни ва ёндашувларни таъминловчи, ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотилувчи мамлакатдан қатъий назар, унинг ҳавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаш халқаро тизимлари мувафақиятли фаолият юритмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қадоқлаш ва уларни етказиб бериш сифатини оширишда менежмент тизимларидан самарали фойдаланиш лозим.

Якуний қисм. Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш учун Сифатни бошқариш тизимини халқаро стандартлар асосида жорий этиш халқаро савдо-сотиқни амалга ошириш, ҳамкорликда ишлаш, инвестицияларни жалб этиш ва бошқа соҳаларда сифатни бошқаришнинг жаҳонда умумий ва тушунарли "тилини" яратади; савдодаги техник тўсиқларни бартараф этади; бошқа мамлакатларда сифатни бошқариш соҳасида эришилган ютуқлар, илғор тажрибаларни ўрганиш ва тажриба алмашиш воситаси ҳисобланади; унинг ёрдамида иқтисодиёти турли даражада ривожланган давлатлар халқаро иқтисодий муносабатларда тенг иштирок этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон.
2. Лифиц И. М. Конкурентоспособность товаров и услуг: Учебное пособие. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. - 460 с.
3. Porter M.E. Esty D.C., Industrial Ecology and Competitiveness: Strategic Implications for the Firm Journal of Industrial Ecology. 2: 1998, p.35-43.
4. Porter M.E., Kramer M.R. (2006) Strategy and society: the link between competitive advantage and corporate social responsibility. Harvard Business Review. 84: 78-92, 163. PMID 17183795
5. Fleischer, K., Bensussan, B. Strategic and Competitive Analysis: Methods and Means of Competitive Analysis in Business / K. Fleischer, B. Bensussan / Transl. - M., 2005. -- 541 p.
6. Ernst, Ricardo & Haar, Jerry. (2019). Globalization, Competitiveness, and Governability: The Three Disruptive Forces of Business in the 21st Century. 10.1007/978-3-030-17516-0. https://www.researchgate.net/publication/333441821_Globalization_Competitiveness_and_Governability_The_Three_Disruptive_Forces_of_Business_in_the_21st_Century/citation/download
7. Feigenbaum A. Product quality control. - М.: Economics, 2014;
8. Harrington J.H. Quality management in American corporations. - М.: Economics, 2010. Porter, M. Competition / M. Porter; trans. from

English O.L. Pelyavsky [et al.]. - M.: Williams, 2005 - 602 p.

9. O.M. Joffre, J.R. De Vries, L. Klerkx, et al., Why are cluster farmers adopting more aquaculture technologies and practices? The role of trust and interaction within shrimp farmers' networks in the Mekong Delta, Vietnam, *aquaculture Journal Pre-proof* (2019), <https://doi.org/10.1016/j.aquaculture.2020.735181>

10. Su Y, He S, Wang K, Shahahmassebi AR, Zhang L, Zhang J, Zhang M, Gan M, Quantifying the sustainability of three types of agricultural production in China: An emergy analysis with the integration of environmental pollution, *Journal of Cleaner Production* (2020), doi:<https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2019.119650>.

11. D. Tilman, K.G. Cassman, P.A. Matson, R. Naylor, S. Polasky. Agricultural sustainability and intensive production practices. *Nature*, 418 (6898) (2002), pp. 671-677, 10.1038/nature01014.

12. E. Fonseca, E. Caldeira, L. Oliveira, A.C.M. Pereira, P.S. Vilela Agro 4.0: uma ferramenta web para gestão e análise da sustentabilidade em agroecossistemas Anais Do XXIII Simpósio Brasileiro de Sistemas Multimídia E Web: Workshops E Pôsteres (2017), pp. 184-188

13. K. Marzall, J. Almeida. Indicadores de sustentabilidade para agroecossistemas estado da arte, limites e potencialidades de uma nova ferramenta para avaliar o desenvolvimento sustentável. *Cad. Ciênc. Tecnol.*, 17 (1) (2000), pp. 41-59.

14. Coteur, F. Marchand, L. Debruyne, F. Dalemans, L. Lauwers. A framework for guiding sustainability assessment and on-farm strategic decision making. *Environ. Impact Assess. Rev.*, 60 (2016), pp. 16-23, 10.1016/j.eiar.2016.04.003

15. S. Rodrigues Filho, A.J. Juliani. Sustentabilidade da produção de etanol de cana-de-açúcar no estado de São Paulo. *Estudos Avançados*, 27 (78) (2013), pp. 195-212.

16. J.M.L. Ferreira, J.H.M. Viana, A.M. da Costa, D.V. de Sousa, A.A. Fontes. Indicadores de sustentabilidade em agroecossistemas. *Inf. Agropecu. Belo Horiz.*, 33 (271) (2012), pp. 12-25

17. Kamlaris, A. Kartakoullis, F.X. Prenafeta-Bold. A review on the practice of big data analysis in agriculture. *Comput. Electron. Agric.*, 143 (2017), pp. 23-37, 10.1016/j.compag.2017.09.037 https://studme.org/279826/informatika/metody_electre

18. M.S. Xuan Pham. How data analytics is transforming agriculture. *Bus. Horiz.*, 61 (1) (2018), pp. 125-133, 10.1016/j.bushor.2017.09.011

19. K.E. Giller, P. Tittonell, M.C. Rufino, M.T. Wijk, S. Zingore, P. Mapfumo, S. Adjei-Nsiah, M. Herrero, R. Chikowo, M. Corbeels, E.C. Rowe, F. Baijuka, A. Mwijage, J. Smith, E. Yeboah, W.J. Burg, O.M. Sanogo, M. Misiko, N. de Ridder, S. Karanja, C. Kaizzi, J. K'ungu, M. Mwale, D. Nwaga, C. Pacini, B. Vanlauwe. Communicating complexity: integrated assessment of trade-offs concerning soil fertility management within african farming systems to support innovation and development. *Agric. Syst.*, 104 (2) (2011), pp. 191-203, 10.1016/j.agsy.2010.07.002

20. A.J. Chen, R. Watson, M.-c. Boudreau, E. Karahanna. Organizational adoption of green is and it: an institutional perspective. *ICIS 2009 Proceedings - Thirtieth International Conference on Information Systems* (2009), p. 142

21. E.M. De Olde, F.W. Oudshoorn, C.A. Sørensen, E.A. Bokkers, I.J. De Boer. Assessing sustainability at farm-level: Lessons learned from a comparison of tools in practice. *Ecol. Indic.*, 66 (2016), pp. 391-404

22. N. Van Cauwenbergh, K. Biala, C. Biellers, V. Brouckaert, L. Franchois, V.G. Cidat, M. Hermy, E. Mathijs, B. Muys, J. Reijnders, et al. Safe-a hierarchical framework for assessing the sustainability of agricultural systems. *Agric. Ecosyst. Environ.*, 120 (2-4) (2007), pp. 229-242

23. M. Kropff, J. Bouma, J. Jones. Systems approaches for the design of sustainable agro-ecosystems. *Agric. Syst.*, 70 (2001), pp. 369-393

24. R. Shaw, R. Lark, A. Williams, D. Chadwick, D. Jones. Characterising the within-field scale spatial variation of nitrogen in a grassland soil to inform the efficient design of in-situ nitrogen sensor networks for precision agriculture. *Agric. Ecosyst. Environ.*, 230 (2016), pp. 294-306

25. R. Nikkilä, I. Seilonen, K. Koskinen. Software architecture for farm management information systems in precision agriculture. *Comput. Electron. Agric.*, 70 (2) (2010), pp. 328-336

26. S. Fountas, G. Carli, C.G. Sørensen, Z. Tsiropoulos, C. Cavalaris, A. Vatsanidou, B. Liakos, M. Canavari, J. Wiebensohn, B. Tisseraye. Farm management information systems: Current situation and future perspectives. *Comput. Electron. Agric.*, 115 (2015), pp. 40-50

27. A.Z. Abbasi, N. Islam, Z.A. Shaikh, et al. A review of wireless sensors and networks' applications in agriculture. *Comput. Stand. Interfaces*, 36 (2) (2014), pp. 263-270

28. B.A. Aubert, A. Schroeder, J. Grimaudo. It as enabler of sustainable farming: an empirical analysis of farmers' adoption decision of precision agriculture technology. *Decis. Support Syst.*, 54 (1) (2012), pp. 510-520

29. Азгальдов Г.Г. Проблемы измерения и оценки качества продукции. – М.: «Знание», 2012;

30. Дедекаев В.А. Вопросы совершенствования организации комплексной системы управления качеством продукции. Дис. на канд.экон.наук. Львов, 2009;

31. Лапикус С.Т. Экономическая эффективность повышения качества продукции, дис. на канд.экон.наук. – М.: 2011;

32. Мхитраян В.С. Статистические методы в управлении качеством продукции. – М.: Финансы и статистика, 2012;

33. Калинина, И.В. Особенности создания системы менеджмента качества на предприятии пищевой отрасли/ И.В. Калинина, Р.И. Фаткуллин, Н.В. Науменко// Вестник ЮУрГУ. Серия «Пищевые и биотехнологии». – 2015. – Т. 3, №2. – С. 64–71,

34. Кухарь В.С. Экономическая эффективность внедрения интегрированных систем менеджмента качества на предприятиях малого и среднего бизнеса в зерновом производстве Северного Казахстана (на материалах Костанайской области). Диссертация. Костанай-2012,

35. Ю.М.Сапего. Системное управление качеством и безопасностью продукции агропромышленного кластера. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саранск 2017,

36. Карпова С.В. Международный маркетинг Учебное пособие для вузов. С.В. Карпова. – 2-е изд. Перераб. и доп. – М.: Издательство «Экзамен», 2005. – 288 с.,

37. Карпузов В.В. Управление качеством в АПК. Учебное пособие. – М: ФГОУ ВПО МГАУ, 2007 – 302 с.

38. Кане М.М., Иванов Б.В., Корешков В.Н., Схиртладзе А.Г. Системы, методы и инструменты менеджмента качества. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2012, 546с.:ил. Лифиц И. М. Конкурентоспособность товаров и услуг: Учебное пособие. - 2-е изд., перераб. и доп.- М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. - 460 с.

39. Карпова С.В. Международный маркетинг Учебное пособие для вузов. С.В. Карпова. – 2-е изд. Перераб. и доп. – М.: Издательство «Экзамен», 2005. – 288 с.

40. Е.Н. Голубкова, М.Э. Сейфуллаева. Международный маркетинг: учеб.метод. пособие – М.: Дело и Сервис, 2008. – 256 с.

41. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистон иқтисодиёти модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи ўлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.

42. Аддылова З.Дж. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси. диссертация\ТДИУ Т, 2008.-325б,

43. Бадалова М.У. Миллий иқтисодиётда халқаро ISO 9000 серияли сифатни бошқариш тизимини жорий этиш хусусиятлари. Иқтисодий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2008

44. Садуллаев У.А. Совершенствование системы управления качеством на хлопкоочистительных заводах Республики. Диссертация –Т.: 2011 -138 б.;